

**ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ
А Ж Р И М И**

(даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

2023 йил 15 июнь

Ўртачирчиқ тумани

Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий суди, судья Т.Салимов раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Ибрагимов котиблигида, даъвогар "XXXX" АЖ манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг жавобгар – "XXXX" фермер хўжалиги ҳисобидан 57 607 481 сўм асосий қарз, 21 880 595 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича иқтисодий ишни даъвогар вакили А.Бердиев (ишончнома асосида), иштирокида суд биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Даъвогар – "XXXX" АЖ манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар – "XXXX" фермер хўжалиги ҳисобидан 57 607 481 сўм асосий қарз, 21 880 595 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили судга низо юзасидан тузилган медиатив келишувни тақдим этиб, суддан даъвони кўрмасдан қолдиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида "Гибрид почта" хизмати орқали хабардор қилинган жавобгар ва қўшимча жавобгар бугунги суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади. Суд жавобгар ва қўшимча жавобгарнинг суд мажлисидан хабардорлиги тўғрисида далил иш ҳужжатларида мавжудлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда – ЎЗР ИПК)нинг 128 ва 170-моддаларига асосан ишни жавобгар ва қўшимча жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишда иштирок этган даъвогар вакили тушунтиришларини тинглаб ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси(бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 107-моддасининг биринчи қисми 5³-бандига кўра, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, иқтисодий суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

ИПКнинг 131-моддасига асосан эса тарафлар низони келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал этиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага)



суд хужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Тарафлар томонидан профессионал медиатор Хасанов Шохжахон Жамолбой ўғли (2023 йил 26 майда берилган МТ-001516-сонли сертификат) иштирокида 2023 йил 14 июнь куни медиатив келишув тузилган.

Суд тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилганлиги сабабли, дъвони кўрмасдан қолдиришни, давлат божи ва почта харажатини ундирмасдан қолдиришни лозим деб топади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 18-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига кўра, агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи тўлиқ ёки қисман қайтарилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107,118,131ва 195-моддасига асосланиб, суд

а ж р и м қ и л а д и :

Даъвогар – "XXXX" АЖ манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг жавобгар –"XXXX" фермер хўжалиги ҳисобидан 57 607 481 сўм асосий қарз, 21 880 595 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Т.Салимов

